Хасанов Шухрат Эркинбаевич
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходим тадқиқотчиси, мустақил изланувчи
E-mail: suhamuzaffar@gmail.com
Тел.:914326868

ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИДАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада ўғрилик жиноятларидан жабрланувчиларнинг виктимологик хусусиятлари, уларнинг ижтимоий-демографик ва психологик портрети ҳамда жиноят қурбонига айланиш эҳтимолини оширувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, хонадон, чорва-мол, транспорт воситалари, мобиль телефон ва киберўғриликлардан жабрланувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ўзбекистонда ўғрилик жиноятларидан жабрланган шахслар тўғрисидаги статистик маълумотлар асосида виктимлик даражалари баҳоланган. Жиноятларнинг олдини олишда виктимологик ёндашувнинг аҳамияти асосланиб, сунъий интеллект, рақамли мониторинг, GPS ва RFID технологиялари, ақлли хавфсизлик тизимлари каби замонавий воситалардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ўғрилик, виктимология, виктимлик, жабрланувчи, жиноят қурбони, виктимологик профилактика, киберўғрилик, психологик портрет, жиноятчилик профилактикаси, ситуацион профилактика.

ВИКТИМОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПОТЕРПЕВШИХ ОТ КРАЖ И СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИХ ПРОФИЛАКТИКИ

Аннотация: В статье исследуются виктимологические особенности потерпевших от краж, их социально-демографический и психологический портрет, а также факторы, повышающие вероятность стать жертвой преступления. Рассматриваются особенности потерпевших от квартирных, скотокрадских, транспортных, мобильных и киберкраж. На основе статистических данных по Республике Узбекистан проведён анализ уровней виктимности и характеристик потерпевших. Обоснована значимость виктимологического подхода в предупреждении краж, а также предложены современные меры профилактики с использованием технологий искусственного интеллекта, цифрового мониторинга, GPS и RFID-систем, а также интеллектуальных средств безопасности.

Ключевые слова: кража, виктимология, виктимность, потерпевший, жертва преступления, виктимологическая профилактика, киберкража, психологический портрет, профилактика преступности, ситуационная профилактика.

VICTIMOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THEFT VICTIMS AND MODERN DIRECTIONS FOR IMPROVING CRIME PREVENTION

Abstract: This article examines the victimological characteristics of theft victims, their socio-demographic and psychological profiles, and the factors that increase the likelihood of becoming a victim of crime. Particular attention is paid to victims of residential burglaries, livestock theft, vehicle theft, mobile phone theft, and cyber theft. Based on statistical data from the Republic of Uzbekistan, the study analyzes victimization levels and the main characteristics of victims. The importance of a victimological approach in theft prevention is substantiated, and modern preventive measures are proposed, including the use of artificial intelligence, digital monitoring systems, GPS and RFID technologies, and smart security solutions.

Keywords: theft, victimology, victimization, victim, crime victim, victimological prevention, cyber theft, psychological profile, crime prevention, situational crime prevention.

Жиноятлар содир этилишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг айбдорлигини аниқлаш мумкин. Ўғриликдан жабрланган шахсларнинг криминологик тавсифига тўхталишда "виктимология" сўзининг мазмун–моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир, энциклопедик ва изоҳли луғатларда "виктимология" лотинча "victima" – жабрланган, жабрланувчи ва юнонча "logos" – таълимот яъни, жабрланувчилар ҳақидаги таълимот[1], деган маънони англатади.

Жиноят қурбони - жиноий тажовуз қилинган жисмоний ёки юридик шахсдир. Ушбу криминологик тушунча шунингдек, жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлганларни ҳам ўз ичига олади. Бундай тоифадаги шахслар - бу ўзи билан бир хил бошқа ижтимоий субъектларга қараганда унга нисбатан жиноий тажовуз эҳтимоли юқори бўлишини кучайтирувчи хусусиятларга эга бўлган шахс[2].

Жиноий тажовуз объектининг жиноий алоқадорлигини кучайтирувчи индивидуал хусусиятлари *виктимлик*, бундай алоқадорликни камайтирувчи қобилиятни эса *виктимликка қарши хусусият*[3], деб эътироф этилади.

Жиноят "қурбони" "жабрланувчи" деган тушунчадан анча кенг ҳисобланади. Криминологияда дастлаб жиноят қурбонини ўрганишда асосий эътибор жиноят

[1] Российская юридическая энциклопедия. – М., 1999. – Б. 137.
[2]Щербакова Л.Ю. Виктимологический аспект преступности: современная теория и практика. Автореф.дисс. канд.юрид. наук. – СПб. 2005· – С.163
[3] Мухторов Ж.С. Актуальность виктимологическая профилактика провонарушений в условиях Узбекистана // вестник Академия МВД РУз, 2015, №3. -С.45-49;

содир этишга шароит яратиб берган ёки содир этилишини тақозо қилувчи хусусиятларини аниқлашга эътибор қаратилган.

Виктимлик деганда, шахсга нисбатан жиноий қилмиш содир этилишини тақозо қилувчи ёки осонлаштирувчи хусусиятлар йиғиндиси тушунилади[4]. Бунда виктимлилик шахснинг таваккалчилик, ўйламасдан енгилтаклик билан йўл қўйган ҳавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир. Кейинчалик виктимлик сифатида шахснинг нафақат маънавий, руҳий, психологик ҳолати, балки унинг жамиятнинг турли соҳаларидаги ижтимоий мавқеи билан боғлиқ хусусиятлари ҳам ўрганила бошланди.

Шахснинг жамиятдаги мавқеи унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳам унга нисбатан у ёки бу турдаги жиноий қилмишлар содир этилишини тақозо қилиши аниқланди. Шу билан бир қаторда, жабрланувчининг шахси ва унинг хатти-ҳаракатлари жиноятчиларнинг жиноий қилмишларини амалга оширишга тайёрланишларидан олдин, жиноятни амалга ошириш вақтида ва қайта жиноят содир этишларида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бундан ташқари, жиноят қурбонларини ўрганиш уларга нисбатан содир этилган жиноятларнинг латент бўлиб қолишининг сабабларини аниқлаш имконини ҳам беради. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларнини ишлаб чиқиш мақсадида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни ўрганиш уларнинг шахси ва хусусиятларни аниқлашни ва ушбу маълумотларни атрофлича таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Ўғирлик содир этганлар ва жабрланувчиларининг хулқи, одоби, аҳлоқи, маълумоти, маънавияти, руҳий ҳолати каби шахсининг хусусиятлари ҳақидаги кўрсаткичлар кўпинча бир-бирига яқин ҳисобланади[5].

[4] Ниёзова С.С. Жиноят ва виктимологик таҳлил.// Ҳуқуқ ва бурч журнали, 2015. №25.-Б.14-16;
[5] Хаткова Ф.Х. Виктимологические аспекты женской преступности. Автореф. дисс...канд.юрид. наук, -М:. 2004. С.186

Салбий хулқ-атворли, маълумот даражаси, маънавияти паст, ижтимоий-руҳий ҳолати бузилган одамлар ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида жиноят қурбони бўлиш хавфи мавжуд бўлсада, ўз қилмишларини давом эттираверадилар. Табиийки, бундай кишилар турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноят содир этиш билан бирга аксарият ҳолларда жабрланувчига ҳам айланиб қоладилар.

Шу билан бир қаторда илмий тадқиқотларда виктимлик деган тушунчалар ҳам киритилган бўлиб, бу инсоннинг ўғирликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ўғирликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати ҳисобланади ҳамда виктимликнинг *айбли ва айбсиз* турлари ажратилган.

Айбли виктимлик – потенциал қурбоннинг салбий, ҳуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, ўғирлик ҳолати содир этилишида фуқароларнинг аксарияти ўз мулкларини сақланишига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

Айбсиз виктимлик – умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ.

Шу ўринда виктимлик даражалари мавжудлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси мавжудлиги кўзга ташланади:

1) виктимлик даражаси кам бўлган шахслар – жисмонан бақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар;

2) виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар – нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидолмайдиган шахслар;

3) виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар – касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий–руҳий белгилари кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслардир.

Виктимликни келиб чиқиш манбаига кўра объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин, яъни:

объектив омиллар – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар);

субъектив омиллар – ишонувчилар, беэътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз–кўз қилувчилар), урушқоқлар.

Ўғрилик жиноятларининг жабрланувчиларидаги хусусиятлари бошқа турдаги жиноятларнинг жабрланувчиларидан эътиборсизлиги ёки бефарқлиги билан фарқ қилади. Шунингдек, аксарият ҳолатларда аҳолининг бой қатлами, тадбиркорлар, зарурат юзасидан мол-мулкини (уй, машина ва бошқалар) катта пулган сотган шахслар бўлиши ҳам мумкин.

Хонадонларда содир этилган ўғрилик жинояти жабрланувчилари ўртасида ўтказилган сўровномаларда иштирок этганларнинг 33 % жамиятдаги ижтимоий–иқтисодий муаммолар мавжудлиги, 44 % эса хонадоннинг атрофи очиқлиги, 23 % ички ишлар органлари етарли даражада назорат қилмаганлиги сабабли ўғрилик жинояти содир этилганлигини билдирган.

Жабрланувчиларнинг 78 % эса содир этилган жиноятларда айборлигини билдириб ўтган, 22 % ўзини эмас балки ички ишлар органларининг фаолияти етарли даражада ташкил этилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатган.

Жавоблар таҳлил қилинса, аксарият ҳолатларда хонадонларда ўғрилик жиноятларининг содир этилишида жабрланувчиларнинг бефарқлиги, эҳтиётсизлиги, ўзининг пул ва бошқа турдаги бойликларини бошқаларга ошкор

қилиб қўйганлиги, бойликларини бошқаларга намойиш қилиши ҳолатлари ушбу ҳодисаларга олиб келган.

Шу боисдан, хонадонларда содир этиладиган ўғрилик жиноятларининг олдини олишда:

- биринчи навбатда фуқароларнинг маънавий онгини ва ҳуқуқий билимларини шакллантириш;

- Адлия органларининг ролини ошириш, хусусан, улар томонидан аҳолининг қандай тарғиботга муҳтожлигини аниқлаш борасида чуқур таҳлилий ишларни олиб боришлари ва тарғибот мавзуларини танлашлари ҳамда жойларга тақдим этишлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан аҳоли ўртасида тарғиботлар ўтказилишини таъминлашлари;

- ички ишлар органлари, миллий гвардия ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш пультига уланишларини ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада жамоатчилик назорат постларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Мол (чорва моллари) ўғрилиги жинояти жабрланувчилари ўртасида ўтказилган сўровномаларда иштирок этганларнинг 56,5 % гўшт ва ем-хашак нархининг ошганлигини, 34 % асосий ер майдонлари фермерларга берилганлиги сабабли, шахсий чорва–молларини боқиш учун ер майдонларининг камайиб кетганлиги натижасида чорва-моллари ўғрилигининг кўпайганлигини, 9,5 % ижтимоий иқтисодий муаммолар, яъни фуқароларнинг аксарият қисми ишсизлиги ёки ойлик иш ҳақларининг пастлиги, аҳоли учун даромад топишнинг бошқа йўллари мавжуд эмаслиги ушбу жиноятларнинг кўпайиб боришига олиб келганлигини билдирган. Жабрланувчиларнинг 57,3 % чорва-молларини қаровсиз қолдирганликлари ва айбдорлигини билдирган, 42,7% эса ички ишлар органлари ўғриликларни

олдини олишлари, мол ўғрилиги содир этган жиноятчилар ўз вақтида аниқланиб жазога тортилганларида содир бўлмаслигини такидлаб ўтган.

Чорва-моллари ўғриликлари 18 % дала ҳовлидан, 29 % хонадонидан, 11 % кўчадан, 34 % фермер хўжалигига қарашли ер майдонида содир этилганлиги аниқланган. Ушбу маълумотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда фермер хўжаликлари майдонларида чорва-молларини қаровсиз қолдирилиши ҳолатлари кўп учрамоқда. Шу боисдан, фермер хўжаликларига қарашли ва очиқ майдонларда **чорва-молларини боқилишини тартибга солувчи тартиб қоидалар зарурлигини кўрсатади.**

Сўралувчиларнинг 39,1 % аҳолининг шахсий чорва–молларини боқиш ва назорат қилиш учун пуллик хизматларни йўлга қўйиш лозимлигини, 42,9 % фуқароларнинг ўзлари молларини эътиборсиз қолдирмаслиги етарли деб ҳисоблаган.

Чорва–моллари ўғрилигини олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши борасидаги саволга 77,6 % чорва–молларини боқиш шароитларини яхшилаш, фермалар ва ем–хашакларни етиштирувчи фермерлар фаолиятини яхшилаш лозимлигини, 22,4 % аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш орқали мол ўғриликларини камайтиради деб ҳисоблаган.

Мол ўғрилиги жабрланувчилари ўртасида ўтказилан сўровномалари натижаларига асосланган ҳолда, аксарият ҳолатларда жабрланувчиларнинг айбининг мавжудлиги, шунингдек, асосан, чорва-моллари қаровсиз қолдирилиши натижасида ўғриланганлиги сабабли қишлоқ жойларида молларни боқиш ва назорат қилиш учун жамоатчилик асосида пуллик хизматларни ташкил этиш, шунингдек, шахсий чорва-молларни боқиш учун алоҳида ер майдонларини ажратилиши чораларини кўриш, шунингдек, чорва-молларини етиштиришга мўлжалланган фермерлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Жиноятга олиб келадиган виктимологик шарт-шароитлар инсоннинг ижтимоий муҳит ва психологик хусусиятига боғлиқ бўлган бир қатор омилларни ўз ичига олади. Бунинг сабабларини ўрганишда жиноятдан жабрланганлар ҳақидаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўғриликдан жабрланганларнинг ёши, касби, ижтимоий ва интеллектуал ҳолатини аниқлаш келгусида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилнинг 12 ойида республикада **8 250 нафар** шахс ўғрилик жиноятидан жабрланганлиги аниқланган.

Шундан, 68,1 фоизини эркаклар, 31,9 фоизини аёллар ташкил этган.

Ўғрилик жиноятидан асосан, 31-49 ёшдаги шахслар, шунингдек, **вояга етмаган** (2,7 фоиз) ҳамда **қариялар** (6,4 фоиз) жабрланган.

0-12 ёшдагилар 14 нафар (0,2 %)ни; 13-14 ёшдагилар 23 нафар (0,3 %)ни; 15-17 ёшдагилар 191 нафар (2,3 %)ни; 18-30 ёшдагилар 2 590 нафар (31,4 %)ни; 31-49 ёшдагилар 4 027 нафар (48,8 %); 50-59 ёшдагилар 877 нафар (10,6 %). 60 ёш ва ундан юқорилар 528 нафар (6,4 %)ни ташкил қилган.

Ўғрилик жиноятидан жабрланган шахсларнинг оилавий аҳволи бўйича таҳлилига тўхталадиган бўлсак, турмуш қурмаган **1 525 нафарни,** оилали (расмий никоҳ) **6 410 нафар**ни, оилали (норасмий никоҳ) **17 нафарни,** ажрашган **267 нафарни,** бева (эри ёки хотини вафот этган) **31 нафарни** ташкил этади.

Ўғрилик жиноятидан жабрланган шахсларнинг соғлиғининг ҳолати бўйича таҳлили эса, қуйидагичи: соғлом **8 208 нафар**ни; 1-гуруҳ ногирони **13 нафар**ни, 2-гуруҳ ногирони **28 нафарни**, 3-гуруҳ ногирони **1 нафарни ташкил этади.**

Жабрланувчининг айбланувчи билан алоқаси (яқин қариндош)га тўхталадиган бўлсак, ота-онаси 40 нафарни, фарзанди 15 нафарни, ака-укаси 19 нафарни, опа-синглиси 7 нафарни, эри 6 нафарни, хотини 10 нафар, қайнота-

қайнонаси 8 нафар, қайнака-қайнукаси 6 нафарни, қайнопа-қайнсинглиси 2 нафарни, узоқ қариндоши 234 нафарни қариндошлик алоқаси йўқ 7 903 нафарни ташкил этади.

Жабрланган шахснинг бандлиги бўйича таҳлилига тўхталадиган бўлсак, мактаб ёшигача 1 нафарни, мактаб ўқувчиси 130 нафарни, лицей (коллеж) талабаси 18 нафарни, ОТМ талабаси 190 нафар, меҳнатга лаёқатсиз 392 нафарни, уй бекаси 625 нафарни, меҳнат мигарнти 3 нафарни, ишсиз 746 нафарни, меҳнат билан банд 6 145 нафарни ташкил этади.

Ўғрилик жиноятидан жабрланган шахсларнинг маълумоти бўйича таҳлили эса, тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотли 5 275 нафар, ўрта махсус маълумотли 1 810 нафарни, олий маълумотли 1 165 нафарни ташкил этади.

Юқоридаги кўрсаткичлар ўғрилик жиноятларидан жабранганларнинг сони ва уларнинг ижтимоий таъсирини кўрсатувчи муҳим индикаторлар ҳисобланади.

Жабрланувчиларнинг 68,1 фиоизини эркаклар ташкил этиши, бу жиноятдан асосан, эркак жинсидаги шахслар кўпроқ жабр кўраётганини кўрсатади, бу эса эркаклар жамоат жойлари ва ўғрилик содир этилиш эҳтимоли юқори вазиятларда кўпроқ бўлиши билан ҳарактерланади.

Ёш таркибига кўра, асосий жабрланувчилар 31-49 ёшдаги фаол меҳнатга лаёқатли шахслар бўлиб, улар умумий жабрланувчиларнинг қарийб 49 фоизини ташкил этади. Бу ушбу ёш гуруҳи ижтимоий фаол ва жиноятга нисбатан энг осон таъсирланувчи қатламлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Жабрланувчиларнинг аксарияти тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотли (63,9 %) бўлиб, бу маълумот даражаси паст бўлган шахслар ўғрилик қурбони бўлиш эҳтимоли юқори эканлигини англатади. Олий маълумотлилар нисбатан камроқ (14,1 %) бўлиб, таълим даражаси жиноят қурбони бўлишга таъсир қиладиган муҳим омил эканлигидан далолат беради.

Ўғриликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ижтимоий-психологик портретига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўғриликдан жабрланган шахсларнинг ижтимоий-психологик портретини ўрганиш орқали нафақат жабрланувчиларнинг хусусиятларини аниқлаш, балки ушбу турдаги жиноятлар профилактикасининг самарали механизмларини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Ўғрилик жиноятидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг интеллектуал, иродавий ва эмоционал хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бу турдаги жиноятларнинг виктимологик профилактикасини тўғри ташкил этишга хизмат қилади.

Одатда ўта ишонувчан, умумий хавфсизлик қоидалари ва талабларидан бехабар, юзага келиши мумкин бўлган хавфларни тўғри баҳолай олмайдиган шахслар хонадон ўғрилигидан жабр кўради. Улар атрофидаги инсонларни самимий қабул қилиб, шахсий маълумотларини ошкор қилади.

Чорва ҳайвонлари ўғирлигидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг психологик хусусиятлари юқорида айтиб ўтилган тоифадаги шахсларга ўхшаш бўлса-да, айрим жиҳатларда фарқ мавжуд. Масалан, мол-мулки талон-торож қилинишини билсада, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмайди, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилади.

Транспорт воситаларида содир этиладиган ўғирлик жиноятларидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга шошқалоқлик ва бетартиблик каби психологик хусусиятлар хос бўлиб, улар диққатини жамлай олмайди, қарорларини тез ўзгартиради, кўп ҳолларда хавфсизлик чораларига амал қилмайди. Баъзида автомобилини доим бир жойда ва қаровсиз қолдириши уларни ўғрилик қурбонига айлантириши мумкин.

Киссавурликдан асосан хаёлпараст, ҳиссиётга ортиқча берилувчан ва атрофдагиларга эътиборсиз бўлган шахслар жабрланадилар. Бу тоифадаги шахслар ўз фикрлари ва ички кечинмаларига берилиб кетганидан атрофда содир бўлаётган воқеаларни пайқамай қолади.

Айрим шахсларда юқори таъсирчанлик ҳисси ҳамда турли руҳий зўриқиш туфайли ҳушёрлик пасаяди. Жамоат жойларидаги доимий шовқин ва кўплаб инсонлар орасида бўлиш туфайли уларнинг диққат-эътибори чалғийди ҳамда шахсий буюмларига нисбатан эҳтиёткорлиги камаяди.

Бундан ташқари, барча шахсларда учрайдиган ўғриликдан жабрланиш билан боғлиқ умумий психологик хусусиятлар ҳам мавжуд. Буларга хавф-хатарни англаш даражасининг пастлиги, бепарволик, жисмоний ёки руҳий чарчоқ туфайли диққатнинг пасайиши, тасодифий ва вақтинчалик руҳиятидаги ўзгариш (маиший низо, хиёнат) кабилар киради. Бу ҳолатларда шахснинг ўғриликдан жабрланиш хавфи ортади, чунки ўғрилар дастлаб жабрланувчини диққат билан кузатади, турли ишлар билан овора бўлган ҳамда етарлича ҳимоя чораларини кўрмаган шахсларга нисбатан ўғрилик содир этади.

Киберўғриликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг психологик хусусиятлари ўзига хос.

Бу турдаги ўғриликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар асосан ўрта даражадаги билим ва малакага эга бўлади. Бу шахслар замонавий технологияларни яхши тушунмасалар-да, билим ва тажрибаларига ортиқча ишонч туфайли киберхавфсизликка етарлича аҳамият бермайди, бу эса уларни киберўғрилик қурбони бўлишига сабаб бўлади.

Ушбу тоифадаги шахсларда хавфсизлик талаблари аҳамиятсиз масала бўлиб, улар мураккаб бўлмаган паролларни қўллайди ёки бир хил паролдан бир неча жойда фойдаланадилар.

Улар асосан ўрта ва юқори даромад манбаига эга фуқаролар бўлиб, кўпинча банк карталаридан фаол фойдаланадилар ва мунтазам онлайн тўловларни амалга оширадилар.

Кибер ўғриликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар огоҳлантиришларга эътиборсизлик қилади. Шу билан бирга, хавфли киберҳужумларни оддий ҳолатдек қабул қилади. Эҳтиёт чораларини кўрмаслик, дуч келган ахборотга ишониш ва қайта текширмаслик уларнинг психологик портретига хос хусусиятлардир.

Ўғрилик жиноятидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг темпераменти ҳам муҳим аҳамитга эга бўлиб, психологияга оид манбаларда ўғрилик жиноятидан асосан **меланхолик** ва **холерик** темпераментли шахслар жабр кўришлари қайд этилади. Чунки **меланхоликлар** табиатан тортинчоқ, ғайратсиз, аразчи, айрим ҳолатларда шахсий буюмларини сақлашда эътиборсиз бўлади. Шу сабабли ўғрилар ушбу тоифадаги шахсларнинг ёнидаги мобиль телефони, пуллари ва бошқа қимматбаҳо буюмларини осонлик билан қўлга киритади.

Холериклар эса жамиятда фаол бўлса-да, бироқ диққатни жамлай олмасликлари туфайли ўғриликдан кўп жабр кўради.

Шахс темпераментининг айрим жиҳатларига қараб унинг ўғрилик жиноятларидан жабрланиш эҳтимолини башорат қилиш мумкин. Масалан, меланхоликлар мулкини қаерда сақлаш бўйича қарор қабул қилишда доим иккиланади, ишонувчанлиги сабабли шубҳали шахсларнинг хавфли ҳаракатларини олдиндан пайқай олмайди, қийин вазиятларда тушкунликка тушиб, ўзини йўқотиб қўяди, бегона шахсларни ўз хонадонига осон киритади.

Холериклар шошқалоқлиги туфайли уй ёки автомашина эшикларини очиқ қолдиради, буюмларини қаерга қўйганини эслай олмайди, мулкини хавфсиз

сақлашга нисбатан бепарво муносабатда бўлади, ҳиссиётларга берилиб, ўғриликка шароит яратаётганини сезмай қолади.

Сангвиник темпераменти эгалари исталган танишлар билан тез дўстлашади ва уларга ишонади. Шахсий буюмларини атрофдагиларга кўз-кўз қилишга, мақтанишга мойил бўлади, бегона жойларда эътиборсиз ва бепарво бўлади.

Флегматик темперамент эгалари хавфни олдиндан пайқаган тақдирда ҳам зудлик билан эҳтиёткорлик чораларини кўрмайди. Мулкини хавфсиз сақлаш бўйича кўп ва узоқ муддат ўйлайди, зарур чора-тадбирларни кўришга кечикади. Ушбу тоифадаги айрим шахслар ўзгалар мол-мулки ўғриланаётгани тўғрисида хабарга эга бўлса-да, эҳтиёткор бўлишни муҳим деб ҳисобламайди.

Ҳар бир ички ишлар органлари ходими фуқаролар билан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда психологик хусусиятларни инобатга олиши, шу асосда зарур ҳаракатларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосан, ўғрилик жиноятидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни қуйидаги 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Шахсий мол-мулкига бепарво муносабатда бўлувчи шахслар.

Ушбу тоифага, асосан, аёллар, вояга етмаганлар киради. Улар атрофда ўғрилик содир этилаётгани ҳақида билса-да, ўз шахсий мол-мулкини сақлашга бепарво муносабатда бўладилар.

2. Шахсий мол-мулкини мустақил ҳимоя қила олмайдиган шахслар.

Ушбу тоифага, асосан, вояга етмаганлар, аёллар, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар киради. Улар жисмоний ёки руҳий заифлиги, мустақил ҳаракатлана олмаслиги ва бошқа шу каби сабаблар туфайли ўз шахсий мол-мулкини ҳимоя қила олмайдилар.

Шунингдек, айрим шахслар ижтимоий-иқтисодий етишмовчилик туфайли ўғриликдан ҳимояланиш чораларини кўролмайдилар.

3. Ахборот технологиялари ва қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмаган шахслар.

Ушбу тоифадаги шахслар ижтимоий тармоқлардаги турли хил иловалардан хавфсиз фойдалана олмасликлари оқибатида киберўғрилик қурбонига айланадилар.

Ушбу турдаги ўғриликларнинг олдини олишда анъанавий чоралардан кўра замонавий технологиялар, ахборот-таҳлилий ёндашувлар ва аҳоли иштирокини кучайтириш самарали ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, илмий ёндашувлар асосида ўғирлик жиноятларини олдини олиш, фуқароларнинг бу турдаги жиноятлар қурбонига айланиб қолмасликлари учун **қуйидагилар таклиф қилинади:**

1. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ўғриликлар бўйича:

- Барча банк иловаларида икки босқичли аутентификацияни (2FA) мажбурий жорий этиш;

- Сунъий интеллект асосида шубҳали транзакцияларни автоматик аниқлаш тизимларини кенгайтириш;

- Фуқаролар учун доимий киберхавфсизлик бўйича онлайн ўқув платформаларини ташкил қилиш;

- Фишинг ва сохта сайтларни автоматик блоклаш тизимларини кучайтириш;

- Банк карталарида транзакция лимитларини мижоз хоҳишига кўра бошқариш имконини кенгайтириш;

2. Чорва ҳайвонлари ўғрилиги бўйича:

- Қорамол ва майда шохли ҳайвонларга GPS-трекер ва RFID-чиплар ўрнатиш тизимини йўлга қўйиш;

- Электрон идентификация маълумотлар базасини яратиш;

- Мол бозорларида электрон рўйхатдан ўтказиш тизимини жорий этиш;

- Қишлоқ ҳудудларида дронлар орқали мониторингни йўлга қўйиш;

- Ветеринария ва ички ишлар органлари маълумотлар базасини интеграция қилиш.

3. Хонадон ўғриликлари бўйича:

- “Ақлли уй” (Smart Home) хавфсизлик тизимларини оммалаштириш;

- Видеокузатув камераларини мобиль иловалар билан интеграция қилиш;

- Ақлли қулфлар (Smart Lock) ва биометрик кириш тизимларини жорий қилиш;

- Ҳар бир маҳаллада ягона рақамли видеокузатув тармоғини яратиш;

- Бўш турган хонадонларни эгаси ва Қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан масофадан назорат қилиш имкониятини яратиш.

4. Мобиль телефон ўғрилиги бўйича:

- Ўғирланган телефонларни IMEI-код орқали республика бўйича автоматик блоклаш тизимини йўлга қўйиш;

- Телефонларда биометрик ҳимоядан фойдаланишни кенгайтириш;

- “Ўғирланган қурилмалар реестри”ни яратиш ва ундан ҲМҚО ходимлари томонидан кенг фойдаланиш;

- Локацияни аниқлаш ва масофадан ўчириш функцияларини оммага кенг тарғиб қилиш;

- Иккиламчи бозорда телефон сотишда электрон текширув тизимини жорий қилиш.

5. Транспорт воситаларидан содир этилган ўғриликлар бўйича:

- Автомобилларга GPS-трекер ва телематика қурилмаларини ўрнатиш;

Телематика қурилмаси *— бу транспорт воситасининг жойлашуви, ҳаракати ва техник ҳолати ҳақидаги маълумотларни йиғиб, уларни интернет ёки мобил алоқа тармоғи орқали узатувчи электрон қурилмадир.*

- Автотураргоҳларда рақамларни автоматик таниш (ANPR) тизимларини жорий этиш;

-Автомобил эшикларини бузишга қарши интеллектуал сигнализациялардан фойдаланиш;

- Автомобилларни парковка ҳудудларини тўлиқ видеокузатув назорати билан қамраб олиш;

6. Велосипед ўғрилиги бўйича:

- Велосипедларни миллий электрон реестрда рўйхатдан ўтказиш;

- GPS-трекерли велосипед қурилмаларини оммалаштириш;

- Велосипед тўхташ жойларида интеллектуал қулфлаш тизимларини кенг жорий этиш;

- QR-кодли идентификация тизимини яратиш.

7. Савдо шохобчаларидан содир этилган ўғриликлар бўйича:

- Сунъий интеллектли видео таҳлил (Video Analytics)[6] тизимларини жорий этиш;

Video Analytics (видеотаҳлил) *— бу сунъий интеллект (AI), компьютер кўриши (Computer Vision) ва машинали ўқитиш технологиялари ёрдамида видеокузатув камераларидан келаётган тасвирларни автоматик таҳлил қилиш тизимидир.*

Оддий камера фақат видео ёзиб олади, Video Analytics эса видеода нима бўлаётганини таҳлил қилади ва шубҳали ҳаракатларни аниқлайди. Жумладан, шубҳали ҳаракатлар, дўконда товар ўғирлаш ҳолатлари, қолдирилган буюмлар, юзни ва автомобиль рақамларини таниш, одамлар оқимини ҳисоблаш, тақиқланган ҳудудга кириш ҳолатлари, тез ҳаракат ёки ғайриоддий хулқ-атворни аниқлаш.

Сингапур, Хитой, Буюк Британия, АҚШ ва Жанубий Кореяда мазкур тизим бугунги кунда йўлга қўйилган.

- Товарларга RFID-теглар[7] ўрнатиш.

- Автоматик касса ва чиқиш назорати тизимларини кучайтириш;

[6] https://www.nist.gov/programs-projects/face-recognition-vendor-test-frvt?utm_source=chatgpt.com
https://www.interpol.int/en/Crimes/Cybercrime/Artificial-Intelligence?utm_source=chatgpt.com
https://www.unodc.org?utm_source=chatgpt.com
[7] https://www.gs1.org/standards/epc-rfid?utm_source=chatgpt.com
https://www.ecrloss.com?utm_source=chatgpt.com

- Ўғрилик хавфи юқори бўлган товарлар учун электрон сигнализация воситаларидан фойдаланиш.

Вазиятли жиноятчилик профилактикаси (Situational Crime Prevention) **назариясига кўра,** жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали усулларидан бири жиноят содир этиш имкониятларини чеклаш ҳисобланади.

Ушбу назариянинг асосчиси — Роналд Виктор Кларк (Ronald Victor Clarke) — дунёдаги энг машҳур криминологлардан бири ҳисобланади.

Ушбу назариянинг асосий ғояси жиноятчининг шахсига таъсир қилишдан кўра, жиноят содир этиш учун мавжуд имкониятларни камайтириш орқали жиноятчиликни қисқартириш мумкин дейилади, яъни жиноят сабабларини эмас, балки жиноят содир этиш имкониятларини камайтиришга қаратилган.

Кларкнинг машҳур концепциясига кўра профилактика қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) Жиноят содир этиш қийинчилигини ошириш:

Мисол учун, RFID-теглар, GPS-трекерлар, ақлли қулфлар, биометрик кириш тизимларининг ўрнатилиши ўғри учун жиноят содир қилиш имкониятларини чеклайди.

2) Жиноятчининг фош бўлиш хавфини ошириш:

Мисол учун, Video Analytics, юзни ва автомобиль рақамини таниш видеокузатув тизимлари ўрнатилганлиги ўғри учун қўлга тушиш эҳтимоли юқорилигини билдиради.

3) Жиноятдан келадиган фойдани камайтириш:

Мисол учун, IMEI бўйича телефонларни блоклаш, RFID орқали товарларни кузатиш, велосипедларни электрон рўйхатга олиш, буларнинг барчаси ўғирланган буюмларни сотишни қийинлаштиради.

Ўғрилик жиноятларини содир этган шахс ва жабрланган шахсларнинг криминологик тавсифи шуни кўрсатадики, жиноятчилик нафақат

ҳуқуқбузарнинг шахсий хусусиятлари, балки жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари билан ҳам узвий боғлиқ. Шунинг учун ўғриликларнинг олдини олишда профилактик чоралар нафақат жиноятчи шахсини назорат қилишга, балки аҳоли орасида ҳуқуқий маданият ва мулкка масъулиятли муносабатни кучайтиришга ҳам йўналтирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Российская юридическая энциклопедия. – М., 1999. – Б. 137.
2. Щербакова Л.Ю. Виктимологический аспект преступности: современная теория и практика. Автореф.дисс. канд.юрид. наук. – СПб. 2005· – С.163
3. Мухторов Ж.С. Актуальность виктимологическая профилактика провонарушений в условиях Узбекистана // вестник Академия МВД РУз, 2015, №3. -С.45-49;
4. Ниёзова С.С. Жиноят ва виктимологик таҳлил.// Ҳуқуқ ва бурч журнали, 2015. №25.-Б.14-16;
5. Хаткова Ф.Х. Виктимологические аспекты женской преступности. Автореф. дисс...канд.юрид. наук, -М:. 2004. С.186
6. Жиноятчилик тенденциялари ва омиллари давлат ҳисоботлари (2025 йил бўйича): Ахборот-таҳлилий ҳужжат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026.
7. Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи: Ахборот-таҳлилий ҳужжат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2025.
8. https://www.nist.gov/programs-projects/face-recognition-vendor-test-frvt?utm_source=chatgpt.com
9. https://www.interpol.int/en/Crimes/Cybercrime/Artificial-Intelligence?utm_source=chatgpt.com
10. https://www.unodc.org?utm_source=chatgpt.com
11. https://www.gs1.org/standards/epc-rfid?utm_source=chatgpt.com

12. https://www.ecrloss.com?utm_source=chatgpt.com

13. Clarke R.V. Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. 2nd ed. Monsey, NY: Criminal Justice Press, 1997.